

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ
DSc.07/27.02.2020.Yu.108.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВ ДЖАМАЛИДДИН КАМАЛОВИЧ

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА
ПРЕКУРСОРЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

**юримик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Мусаев Джамалиддин Камалович

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг
ноқонуний айланишининг олдини олишда халқаро ҳуқуқий жиҳатлари 3

Musaev Djamaliddin Kamalovich

International legal aspects of preventing illicit trafficking in narcotic drugs,
psychotropic substances and precursors..... 25

Мусаев Джамалиддин Камалович

Международно-правовые аспекты предотвращения незаконного оборота
наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ
DSc.07/27.02.2020.Yu.108.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВ ДЖАМАЛИДДИН КАМАЛОВИЧ

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА
ПРЕКУРСОРЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Yu318 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzmarkaz.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тиллабоев Мирзатилло Алишерович, юрidik фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Маматов Худоёр Тешаевич, юрidik фанлар доктори, профессор Гулимов Аманлык Базарбаевич, юрidik фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/27.02.2020.Yu/108.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 14 ноябрь куни соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳар, Катта Дархон кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 234-56-02; e-mail: yurmarkaz@adliya.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5015-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳар, Катта Дархон кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 234-56-02).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Отажонов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, юрidik фанлар доктори, профессор

Ш.Н.Раҳманов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, юрidik фанлар номзоди

И.М.Умарахунов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар
раиси ўринбосари, юрidik фанлар доктори

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг ноқонуний айланиши, наркобизнес жаҳон тараққиёти ва барқарорлигига путур етказувчи жиддий муаммога айланди. Шунингдек, “оқ ажал”нинг тарқалишидан келиб тушаётган фойда терроризм, одам савдоси каби ўта оғир жиноят турларини қўллаб-қувватлаш йўлида сарфланмоқда. БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг (кейинги ўринларда – БМТНЖБ) 2021 йилги ҳисоботида кўра, 2020 йилда дунё бўйлаб тахминан 275 миллион инсон гиёҳванд моддаларини истеъмол қилган, 36 миллиондан ортиқ инсон эса гиёҳвандликдан азият чеккан¹.

Жаҳонда мазкур офатнинг ҳалокатли оқибатларини сергаклик билан баҳолаш ҳамда унинг олдини олиш жамиятда тинчлик, хавфсизлик, фаровонлик, соғлом турмуш, юксак маънавиятни чуқур қарор топтириш ва юксалтиришнинг муҳим шартидир. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг (кейинги ўринларда – ГПП) ноқонуний айланишини олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорликнинг институционал механизмларини шакллантириш юзасидан тадқиқотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш чораларини янада такомиллаштириш, мазкур соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, жумладан, унинг илмий-назарий асосларини ўрганиш, ҳуқуқий асосларини тизимли равишда шакллантириш ҳамда бу борадаги хорижий тажрибани таҳлил этиш ва жорий этиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2020 йилда Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан кўрилган тезкор-профилактик чоралар натижасида гиёҳвандлик воситаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 6032 та (5026), яъни 2019 йилга нисбатан 20 фоиз кўпроқ жиноят фош этилган. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ 53 та (105) ҳолатларда 55 нафар (108) чет эл фуқаролари ушланган. Улар Афғонистон – 23 (33), Тожикистон – 9 (26), Қозоғистон – 9 (18), Қирғизистон – 6 (10), Россия – 6 (10), Молдова – 2 (1) фуқаролари бўлиб, жами 303,2 (129,6) кг гиёҳвандлик воситалари мусодара қилинган².

Мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада 1961 йилда Нью-Йоркда қабул қилинган Наркотик воситалар тўғрисидаги ягона конвенция, 1971 йилда Венада қабул қилинган Психотроп моддалар тўғрисидаги ҳамда 1988 йилда Венада қабул қилинган Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги БМТнинг конвенциялари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги 813-И-сон “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

¹ UNODC World Drug Report 2021 // <https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/wdr2021.html>

² Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумоти // <http://www.ncdc.uz>.

7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони¹ ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари² ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг қоида-талабларини янада такомиллаштиришга, ижросини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” ҳамда “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг V бўлимига, 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 17-мақсади “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш” ҳамда 95-мақсади “Анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш”га мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш муаммоси мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари М.Ҳ. Рустамбоев, Х.Т. Одилқориев, Д.Х. Раззоқов, А.И. Рахимов, Р.Р. Шакуров, Б.А. Умарова ва Ф.Э. Мухамедов асарларида таҳлил этилган³.

Хусусан, Ф.Э. Мухамедовнинг диссертациявий тадқиқотида ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий масалалари, ГППларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишнинг конвенцион механизми, ГППлар устидан халқаро назорат ўрнатилиши бўйича тарихий жиҳатдан ёндашув, ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қиёсий таҳлили тадқиқ қилинган.

ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш бўйича институционал механизмларнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий олимлар ва тадқиқотчилар Depuy P.M., Zhou Jun, Alfredo Nunzi, Charles R. Fritch, Matthew S. Jenner, Gautam Basu, B.Remberg, A.Stead K.Pernanep,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>.

³ Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

А.Е.Чечетин, Л.Н.Анисимов, И.А.Уварова, В.А.Жбанков П.Н.Копец, С.А.Бокерия, А.В.Маслова, М.А.Кочубей, Э.Гасанов, А.Н.Абишева ва бошқалар¹ томонидан тадқиқ қилинган.

ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш бўйича халқаро муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси шуни кўрсатадики, илмий тадқиқотларда ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олишга оид халқаро конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олишга оид халқаро шартномалар ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш масалалари ўрганилган.

Мазкур тадқиқотларнинг таҳлили ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олишда халқаро ҳамкорлик қилиш масалалари билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар комплекс ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги, халқаро конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, халқаро шартномалар ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш масалаларига оид илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олишда халқаро ҳамкорлик, уни тартибга солувчи миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга йўналтирилган, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш;

ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасида халқаро ҳамкорлик субъектларини ўрганиш;

ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасида халқаро ҳамкорлик принципларини ўрганиш;

ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасига оид универсал ва минтақавий шартномаларнинг хусусиятларини ўрганиш;

ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасидаги миллий қонунчиликни ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасининг ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Тадқиқотнинг объектини ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олишда халқаро ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатларнинг наркотикларга қарши курашиш қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий тадқиқот олиб боришнинг тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбалар, статистик маълумотлар таҳлили, социологик (анкета сўровлари) ва ҳуқуқий шарҳлаш усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналогларининг қонуний қўлланилишини маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек улардан ноқонуний фойдаланилишига қарши чора-тадбирлар белгилаш зарурати асосланган;

ГППларнинг ноқонуний айланишини тақиқлаш, шунингдек улардан ҳар қандай шаклда фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш зарурати асосланган;

ГППларнинг ноқонуний халқаро савдосига барҳам бериш ва жиноятчиларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий чоралар самарадорлигини ошириш зарурати асосланган;

ваколатли органлар билан келишувлар ва халқаро шартномалар асосида ГППларни назорат остида етказиб бериш усулидан фойдаланиш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқаро қонун ҳужжатлари матнида бир хил терминологиядан фойдаланиш мақсадида 1961 йил 30 март куни Нью-Йорк шаҳрида имзоланган “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги ягона, 1971 йил 21 февраль куни Вена шаҳрида имзоланган “Психотроп моддалар тўғрисида”ги ҳамда 1988 йил 20 декабрь куни Вена шаҳрида имзоланган “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияларга янги таҳрирдаги “аналоглар” тушунчасини киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

2004 йил 17 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган ШХТга аъзо давлатлар ўртасида “ГППларни ноқонуний йўл билан олиб ўтишга қарши курашиш тўғрисида ҳамкорлик” ҳақидаги ва 2000 йил 30 ноябрь куни Минск шаҳрида имзоланган МДХга аъзо давлатлар ўртасида “ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олишда ҳамкорлик тўғрисида”ги битимларга “аналоглар” сўзини киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Божхона ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар

ҳамда уларнинг аналогларини тарғиб қилиш ёки ноқонуний реклама қилиш бўйича жавобгарлик белгилаш юзасидан таклиф ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда ГППларнинг ноқонуний айланишини ҳамда ноқонуний реклама қилишни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

махсус электрон тизим орқали ГППларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит ўтказиш учун рухсатномаларни бериш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлишига нисбатан назоратни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари хорижий ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижаларига асослангани, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган, уларнинг натижалари етакчи хорижий ва миллий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда хизмат қиладиган ва уларни тартибга соладиган халқаро ва миллий манбалар ҳамда статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳамкорликнинг кўп томонлама шартномавий асослари умумлаштирилган ва уларнинг натижалари “Халқаро жинойт ҳуқуқи”, “Халқаро шартномалар ҳуқуқи”, “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи”, “Халқаро ҳуқуқ” ва “Халқаро божхона ҳуқуқи” каби фанларнинг таълим жараёнида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳамда хулосалар ГППларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи миллий ва халқаро қонунчиликни такомиллаштиришда ва халқаро ҳуқуқ амалиётини ривожлантиришда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ГППларнинг ноқонуний айланишининг олдини олишда халқаро ҳуқуқий жихатлари мавзусидаги тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналогларидан қонуний фойдаланишни маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек улардан ноқонуний фойдаланилишига қарши чора-тадбирларни белгилашга оид таклиф БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 17 декабрдаги “Наркотиклар ва уларга қарши курашишнинг глобал масалаларини ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик” тўғрисидаги 73/192-сон резолюциясининг 18-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги Доимий ваколатхонасининг 2022 йил 17 январдаги 034/008-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф жаҳонда гиёҳвандлик воситалари ва

психотроп моддаларни ҳамда уларнинг аналогларини ноқонуний айланишини олдини олишга хизмат қилган;

ГППларнинг ноқонуний айланишини тақиқлаш, шунингдек улардан ҳар қандай шаклда фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтиришга оид таклиф БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 17 декабрдаги “Наркотиклар ва уларга қарши курашишнинг глобал масалаларини ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик” тўғрисидаги 73/192-сон резолюциясининг 41-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги Доимий ваколатхонасининг 2022 йил 17 январдаги 034/008-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш, шу жумладан, тезкор маълумотлар билан алмашиш ва трансчегаравий ҳамкорликни такомиллаштиришга хизмат қилган;

ГППларнинг ноқонуний халқаро савдосига барҳам бериш ва жиноятчиларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий чоралар самарадорлигини оширишга оид таклиф БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 16 декабрдаги “БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов соҳасидаги дастурини, айниқса, унинг техник ҳамкорлик борасидаги салоҳиятини мустаҳкамлаш” тўғрисидаги 76/463-сон резолюциясида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги Доимий ваколатхонасининг 2022 йил 17 январдаги 034/008-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ГППларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасида халқаро жиной қонунчиликни ва давлатларнинг моддий-техник базасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ГППларнинг халқаро ноқонуний муомалада бўлишини олдини олиш ҳамда бундай муомалада иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида божхона органлари алоҳида ҳолда чет давлатларнинг божхона органлари ва бошқа ваколатли органлари билан келишувларга мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан назорат остида етказиб бериш усулидан фойдаланади, яъни ноқонуний муомалага киритилган ГППларнинг ўз назорати остида божхона ҳудудига олиб кирилишига ва бу ҳудуддан олиб чиқилишига ёки транзит тарзида олиб ўтилишига йўл қўйилиши зарурлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 407-моддаси биринчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 11 мартдаги 02/5-268-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилганлиги 1988 йилги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциянинг 1, 3, 11-моддалари ҳамда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддаси ижроси бўйича хизмат қилган;

божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ГППларнинг ва бошқа ашёларни назорат остида етказиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинган

тақдирда Ўзбекистон Республикасида жиноят иши қўзғатилмаслигига оид тақлиф Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ-400-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 407-моддаси тўртинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 11 мартдаги 02/5-268-сонли далолатномаси). Ушбу тақлифнинг амалга оширилганлиги 1988 йилги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциянинг 11-моддаси 1-бандининг ижроси бўйича хизмат қилган;

божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган, эркин реализация қилиш тақиқланган ёки муомаласига қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензия ёки рухсатнома асосида йўл қўйиладиган ГППлар ва бошқа ашёлар назорат остида етказиб берилаётганда бу товарлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тўлиқ ёки қисман олиб қўйилиши ёки алмаштирилиши мумкинлигига оид тақлиф Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ-400-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 407-моддаси биринчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 11 мартдаги 02/5-268-сонли далолатномаси). Ушбу тақлифнинг амалга оширилганлиги 1988 йилги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциянинг 11-моддаси 3-бандининг ижроси бўйича хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш қўмитаси ва Давлат комиссиясига ГППларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича ҳисоботни тақдим этиш юзасидан тақлиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорининг 1-илоvasи 6-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2021 йил 9 мартдаги 03-153-сонли далолатномаси). Ушбу тақлифнинг амалга оширилганлиги 1961 йилги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенциянинг 20-моддасини ва 1971 йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенциянинг 16-моддаси 4-бандининг ижроси бўйича хизмат қилган;

ариза берувчи импорт ва экспорт қилинадиган ГППни божхона расмийлаштируви пайтида сертификатларнинг асл нусхаларини импорт қилувчи/экспорт қилувчи мамлакатларнинг махсус ваколатли органларига, шунингдек божхона органларига тақдим этиши бўйича тақлиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорининг 1-илоvasи 7-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2021 йил 9 мартдаги 03-153-сонли далолатномаси). Ушбу тақлифнинг амалга

оширилганлиги 1988 йилги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддаси 9-бандининг ижроси бўйича хизмат қилган;

таркибида ГПП бўлган дори воситаларини, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун намуна сифатида юборилган ҳоллар бундан мустасно, почта жўнатмаларида, шу жумладан, халқаро жўнатмаларда юбориш тақиқланиши бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорининг 1-илоvasи 8-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2021 йил 9 мартдаги 03-153-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилганлиги 1988 йилги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциянинг 19-моддаси ижроси бўйича хизмат қилган;

ГППни транзит қилувчи мамлакатларнинг махсус ваколатли органи томонидан берилган рухсатномага мувофиқ ГПП муомаласини фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат эгаларининг амалга ошириши бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорининг 2-илоvasи 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2021 йил 9 мартдаги 03-153-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилганлиги 1971 йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенциянинг 8-моддаси ижроси бўйича хизмат қилган;

тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит равишда олиб ўтилганда, уларнинг табиатини ўзгартирадиган ҳар қандай жараён таъсир қилиши ва ваколатли органларнинг рухсатсиз уларнинг қадоқлари ўзгартирилиши мумкин эмаслиги бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорининг 2-илоvasи 6-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2021 йил 9 мартдаги 03-153-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф 1961 йилги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенциянинг 31-моддаси 9, 10 ва 13-бандининг ижроси бўйича хизмат қилган;

ГППларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиш учун сертификат олишда рухсат бериш тартиб-таомилларини белгилашда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида давлат назорати чораларини белгилаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорининг 3-илоvasи 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2021 йил

9 мартдаги 03-153-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф 1961 йилги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенциянинг 31-моддаси 3-бандининг ижроси бўйича хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган ГППнинг юридик шахслар томонидан рухсатнома мавжуд бўлган тақдирдагина ёпиқ турдаги божхона омборига жойлаштирилиши бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорининг 3-илоvasи 3-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2021 йил 9 мартдаги 03-153-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф 1961 йилги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенциянинг 31-моддаси 9-бандининг ижроси бўйича хизмат қилган;

ГППни ёпиқ турдаги божхона омборига жойлаштиришда ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган ГППнинг муомалада айланиши билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган лицензия асосида фаолиятни амалга ошириши бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорининг 3-илоvasи 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг 2021 йил 9 мартдаги 03-153-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф 1971 йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддаси 3-банди “с” кичик бандининг ижроси бўйича хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференция ва семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, улардан миллий журналларда 9 та, хорижий журналларда 2 та, илмий анжуманларда 5 та тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг

апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорликнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг шаклланиши ва ривожланиши, халқаро ҳамкорлик субъектлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик принциплари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида халқаро қонунчиликни тартибга солишнинг назарий асосларини таҳлил қилишда ҳуқуқшунос (И.М. Кутлимуратов, М.Ҳ. Рустамбоев, Х.Т. Одилқориев, Ф.Э. Мухамедов, Д.Х. Раззоқов, А.Е. Чечетин, А.И. Рахимов, Р.Р. Шакуров, Л.Н. Анисимов, Л.Н. Анисимов, И.А. Уварова, А.А. Даниелян, В.А. Жбанков, С.А. Гуреев, А.Г. Волеводз, Р.А. Каламқарян, Ю.И. Мигачев, С.А. Бокерия, Zhou Jun, Н.А. Мацакова, Alfredo Nunzi, Э.Г. Гасанов, С.А. Соварин, В.А. Номоконов, Charles R. Fritch) олимларнинг фикр ва қарашларидан фойдаланиб, улар билан мунозарага киришган. Шу билан бирга, тадқиқотда АҚШ, Франция, Хитой, Россия, Англия, Германия, Италия ва Швейцария давлатларининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий мақоми таҳлил қилинган ҳолда, дунёда ушбу масалани ҳал қилишда меморандум қабул қилинганлиги ва қонунларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Ҳозирги халқаро ҳуқуқ наркотикларни назорат қилиш, хусусан, уларнинг ноқонуний тарқатилишига қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланган тизимини ўз ичига олади. Шу билан бирга, бундай тизимнинг ҳамда унинг асосий элементлари ва механизмларининг қарор топиши жараёни ҳам сиёсий жиҳатлардан, ҳам уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши нуқтаи назаридан бир хил кечиши мумкин эмас.

XX асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йиллар бошида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари бир текис ривожланмади, ушбу жараёнда давлатларнинг наркотиклар хавфига қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга умумий интилишлари яққол кўзга ташланган даврлар ҳам, мамлакатларнинг халқаро майдонда бундай муаммоларни ҳал қилишдаги фаоллиги сустралашиб кетган даврлар ҳам кузатилди. Бунда ҳамкорликнинг дастлабки босқичи кўрилатган соҳада фундаментал ҳисобланадиган умумий стандартлар ва тушунчаларнинг ишлаб чиқиши бўлди. Кейинчалик ривожланиш фақат ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорликка тегишли бўлди, охириги босқичи эса турли давлатлар ҳуқуқ-тартибот идораларининг гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш каналларини тўсиб қўйиш, гиёҳвандлик воситаларининг

ноқонуний савдосига дахлдор шахсларни ҳибсга олиш бўйича қўшма операциялар ўтказилиши ҳолатлари ҳисобланади.

Хусусан, тадқиқотчининг фикрича, турли соҳаларда халқаро ҳамкорликнинг энг фаол иштирокчилари бу икки тоифа субъектлар – давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Шу билан бирга, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик субъектларига ҳам таъриф берилган. Ўрганилаётган соҳада халқаро ҳамкорлик субъекти деганда, халқаро ҳуқуқ субъектлигига эга бўлган ёки халқаро ҳуқуқда тан олинган ваколатлари, мақсадлари, вазифалари бўлган ва амалий фаолияти гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, сотилиши, ташилиши ва тарқатилишига қарши курашишнинг ҳар қандай шакллари амалга оширишга қаратилган халқаро муносабатлар иштирокчилари тушунилади.

Диссертацияда БМТ органларининг наркотикларни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар бир функцияси батафсил таҳлил қилинган ва диссертация доирасида минтақавий халқаро ташкилотларнинг наркотаҳдидга қарши курашишдаги роли ва ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, бир нечта минтақавий халқаро ташкилот ва тузилмалар – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамкорлиги (МДХ), Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг наркотикларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича фаолияти таҳлил қилинган. Сўнгги 10 йил ичида кўриб чиқилаётган муаммоларни ҳал қилишда минтақавий халқаро ташкилотларнинг роли муттасил ортиб бормоқда. Бунинг сабаби, авваламбор, ушбу субъектларнинг наркотикларни ишлаб чиқариш ва уларнинг контрабандасига ихтисослашган жиноий гуруҳларга нисбатан мажбурий тусдаги амалий чораларнинг қўлланилиши билан боғлиқ.

Тадқиқотчи минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва тизим ташкилотларини жалб қилиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқарган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш жараёнида халқаро ноҳукумат ташкилотларининг ўрни ва ролига алоҳида эътибор қаратган.

Халқаро ноҳукумат ташкилотлари гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг алоҳида субъектлари бўлиб, улар наркотиклар ва психотроп моддаларнинг нотиббий истеъмол қилинишига қарши курашда дунёнинг турли мамлакатларида миллий ҳукуматларга кўмаклашиш, гиёҳвандларни наркотикларга қарамликдан даволаш ва реабилитация қилиш марказларини ташкил қилиш ва молиялаштириш, ташвиқот ишларини олиб бориш, ҳам ўз ташаббуси билан, ҳам ҳукуматларнинг топшириғи билан гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ вазиятни мониторинг қилиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб бориш йўли билан муаммони ҳал қилишга комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш учун шарт-шароитлар яратади.

Бундан ташқари, диссертацияда таъкидланишича, субъектлар ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан бир хил бўлмаса-да, улар олдида турган муаммо бир хил,

ўзаро келишилган ёндашувни тақозо этади, бунга эса фақат яқдил ва ҳамжиҳатлик асосидаги ҳамкорлик туфайли эришиш мумкин. Бу каби асослар ўрганилаётган соҳада субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун шарт-шароитлар яратадиган базавий принциплар ҳисобланади.

Наркотаҳдидга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик учун асос бўладиган бир нечта принциплар гуруҳи ажратилган.

Биринчи принцип, умуман халқаро муносабатлар асосланадиган умумий принциплар. Тадқиқотчи наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорликнинг асосини ташкил қиладиган принциплар қаторига давлатларнинг ҳамкорлиги принципи, давлатларнинг ички ваколатига кирадиган ишларга аралашмаслик принципи, халқаро ҳуқуққа оид мажбуриятларни виждонан бажариш принципи каби халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини киритади.

Иккинчи принцип, тадқиқотчининг таъкидлашича, ҳар бир тармоқ ва ҳаттоки, халқаро ҳуқуқнинг алоҳида институтлари ўз спецификаси ва тартибга солинадиган муносабатлар доирасига кўра ўз принципларига эга. Уларнинг баъзилари умумий тусдаги халқаро келишувларда мустаҳкамланган. Улар орасида энг муҳими БМТнинг 1998 йилги Наркотикларга талабни қисқартиришнинг дастуриламал принциплари тўғрисидаги декларациясидир.

Тадқиқотчи давлатлар, ҳукуматлараро ташкилотлар ва халқаро ноҳукумат ташкилотларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш масалаларида муҳим ҳамкор сифатида эътироф этган. Ҳамкорликнинг дастлабки босқичида мазкур соҳада умумий стандартлар ва тушунчаларнинг ишлаб чиқилишини аниқлаган.

Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олишда, асосан, ҳукуматлар, ҳукумат муассасалари ва халқаро ташкилотлар иштирок этади. Халқаро ҳамкорлик кўпинча бир қатор ҳукуматлараро ташкилотлар, халқаро муассасалар ва фондлар орқали таъминланади. Турли халқаро ва миллий ноҳукумат ташкилотлари ўзларини бевосита ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилмалари орқали намоён қилишини асослаб берган.

Ҳозирги пайтда мазкур соҳада халқаро ҳамкорлик субъектларининг яхлит тизими шаклланганлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нафақат давлатларнинг, балки бошқа халқаро ташкилотлар ва органларнинг ушбу соҳадаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришини аниқлаштирган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишини олдини олишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари”** деб номланиб, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида универсал халқаро-ҳуқуқий асослар, минтақавий халқаро-ҳуқуқий механизмларнинг умумий хусусиятлари ҳамда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида икки томонлама ҳамкорлик

хусусиятлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида халқаро-ҳуқуқий механизмларни таҳлил қилишда кўплаб ҳуқуқшунос (А.В. Маслова, А.Ю. Абрамов, Т.А. Ажакина, Cindy Fazey, Matthew S. Jenner, Gautam Basu, С.А. Бокерия, Д. Малышев, А.А. Даниелян, П.Н. Кобец, М.А. Кочубей, А.Н. Волощук, Э. Гасанов, М.В. Старчак, И.В. Ерофеев, Б.А. Умарова, А.Н. Абишева, Ф.Э. Мухамедов, В. Remberg, A. Stead) олимларнинг фикр ва қарашларидан фойдаланиб, улар билан мунозарага киришган.

Диссертацияда наркотаҳдидга қарши курашиш халқаро-ҳуқуқий механизмининг универсаллиги таъкидланган. Ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида давлатларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги бўйича жиддий тажриба тўпланган.

Тадқиқотчи 1971 йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция қоидаларини батафсил таҳлил қилган ҳолда, асосий эътиборни уни алоҳида давлатларда амалга ошириш муаммоларига қаратган, шунингдек ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда ҳисобга олинмаган баъзи бир жиҳатларни кўрсатган.

Шу билан бирга, халқаро ҳужжатнинг 1961 йилги Ягона конвенция билан таркибий ва тематик ўхшашлигини таъкидлайди, аммо унинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ажратади. 1971 йилги Конвенциянинг хусусиятларидан бирига психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш ва барҳам беришга қаратилган миллий қонунчиликни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилганини кўриш мумкин.

1961 йил ва 1971 йилги Конвенцияларнинг қабул қилиниши ва уларнинг қоидалари фаол қўлланилишига қарамай, ўтган асрнинг 70- ва 80-йилларида наркобизнеснинг кўламлари кенгайишда давом этаверди ҳамда 1961 йил ва 1971 йилги Конвенцияларда ўрнатилган назорат муаммони ҳал этиш учун етарли бўлмай қолди.

Шу муносабат билан 1988 йил декабрда Вена конференциясида яна бир универсал ҳужжат – БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинди. Конвенция наркотикларнинг айланишига қарши курашишдаги халқаро ҳамкорлик учун ҳадли келишувдир. Унинг иштирокчилари наркотикларга бўлган талабни умуман йўқотиш ёки камайтириш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар. Вена конвенцияси наркотиклар устидан халқаро назорат тизимининг амал қилиши билан боғлиқ бир қатор масалаларни қамраб олади.

Унда гиёҳванд воситаларининг айланишига қарши курашиш бўйича кенг миқёсли чора-тадбирлар комплекси, шунингдек пулларни “ювиш” ва дастлабки кимёвий моддаларнинг ишлатилишига қарши қоидалар белгиланган. Жумладан, наркотиклар айланиши ҳисобидан олинган даромадларни ва мулкни аниқлаш, музлатиб қўйиш ва мусодара қилиш,

наркокуръерларни тегишли органларга топшириш ва жиной ишларни кўзғатиш каби чораларни ҳам назарда тутилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишга қаратилган ихтисослаштирилган конвенцияларидан ташқари, давлатлараро муносабатларнинг умуман бошқа соҳаларини тартибга соладиган универсал ҳужжатларнинг қоидалари ҳам шу каби мақсад ва вазифаларга жавоб беради.

Масалан, юқорида кўрсатилган БМТнинг 1961 йил, 1971 йил ва 1988 йилги Конвенцияларининг таъсири 1977 йилги Божхонага оид ҳукукбузарликларнинг олдини олиш, тергов қилиш ва бартараф этишга ўзаро маъмурий кўмаклашиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидалари билан тўлдирилади.

Шунингдек, тадқиқотчининг фикрича, наркотикларни назорат қилиш бўйича универсал халқаро шартномаларнинг қабул қилиниши туфайли кўпгина назорат қилинувчи моддаларнинг тайёрланиши ва савдоси ҳажмининг камайишига эришилмоқда. Ҳозирги пайтга келиб яратилган, тегишли миллий ҳукуқий воситалар билан тўлдирилган универсал халқаро ҳукуқий механизм бутун дунё миқёсида наркотикларнинг ноқонуний тарқатилишига етарлича самарали шаклда қаршилик кўрсатиш имконини беради.

Тадқиқотда, бугунги кунда наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишнинг минтақавий халқаро-ҳукуқий механизмларига дунёнинг деярли барча мамлакатлари жалб қилинганлиги таъкидланган. Айниқса, бундай ҳамкорлик сиёсий тусдаги халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар фаолияти доирасида фаол ривожланмоқда ҳамда у ёки бу минтақада давлатлар сиёсий ҳамкорлигининг таркибий элементларидан биттасига айланмоқда. Хусусан, бундай халқаро-ҳукуқий механизмлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ташкилоти ва бошқа ташкилотлар доирасида ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик учта минтақавий халқаро ташкилотлар – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида таҳлил қилинган. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишга қаратилган халқаро-ҳукуқий ҳужжатлар ташкилотларнинг ҳар бирига татбиқ этилмоқда, ўрганилаётган соҳада ҳамкорликка сиёсий мақсадларнинг таъсири масаласи ўрганилди, наркотаҳдидга қарши курашиш масалаларидаги минтақавий ҳамкорлик муаммолари аниқланди ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича таклиф берилган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишини олдини олишда ҳамкорликни амалга ошираётган айрим минтақавий халқаро ташкилотларга аъзо давлатларнинг қонунчиликларини унификация қилиш зарур. МДҲда

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ташкилотни тузиш мақсадга мувофиқ.

Наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳозирги пайтда шакллантирилган ва тегишли миллий ҳуқуқий воситалар билан тўлдирилган универсал халқаро-ҳуқуқий механизм дунё миқёсида наркотикларнинг ноқонуний тарқатилишига етарлича самарали қаршилиқ кўрсатишга имкон беришини асослаб берган.

Тадқиқотчи гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишнинг икки тарафлама шартномавий асосларидан ҳозирги вақтда ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий соҳаларда тўлиқ фойдаланиш мақсадида ваколатли давлат органларининг алоқа офицерлари институтини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлишини тадқиқ этган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш соҳасида халқаро ҳамкорлик шакллари”** деб номланиб, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишни таҳлилий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида амалий тадбирлар бўйича ҳамкорлиги йўналишлари таҳлил қилинган.

Муаллиф гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий шакллари таҳлил қилишда ҳуқуқшунос (А.С. Коваленко, А.И. Рахимов, А.А. Даниелян, И.М. Кутлимурамов, Ғ.А. Алимов, Д.Ш. Умарханова ва В.А. Жбанков) олимларнинг фикр ва қарашларидан фойдаланиб, улар билан мунозарага киришган.

Таҳлилий таъминот соҳасидаги ҳамкорлик учта асосий йўналишда боради:

1) трансмиллий наркобизнесни, шу жумладан, наркотикларни ишлаб чиқиш, ташиш ва истеъмол қилишни халқаро мониторинг қилиш;

2) гиёҳвандликнинг профилактикаси, гиёҳвандларни даволаш ва реабилитация қилиш дастурларини яратиш ва амалга ошириш;

3) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича махсус операцияларни самарали ўтказиш мақсадида алоҳида давлатлар ўртасида ахборот алмашинуви.

Таҳлилий таъминот бўйича ҳамкорлик доирасида етакчи ўринни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эгаллайди. Хусусан, ҳозирги пайтда БМТ шафелигида ноҳукумат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида гиёҳвандликнинг профилактикаси, гиёҳвандларни даволаш ва

реабилитация қилишнинг жамоавий дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда.

Наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича таҳлилий фаолиятнинг ушбу тури кўп жиҳатдан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида халқаро илмий конференциялар ва семинарлар ўтказилишида ёрдам беради.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишни ҳуқуқий таъминлаш доирасида ҳамкорлик қуйидаги шаклларда ифодаланади:

1) наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш;

2) наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда кадрларни тайёрлаш бўйича ҳамкорлик қилиш;

3) хорижий давлатлар сўровларини бажариш.

Бир томоннинг сўровига кўра бошқа томон тезкор-қидирув тадбирлар ўтказиш шаклидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Тадқиқотчининг фикрига кўра, ҳозирги пайтда универсал даражада наркотикларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ тезкор-қидирув ва тергов тадбирларини ўтказиш бўйича сўровларнинг ижро этилишининг халқаро кафолатларини яратиш зарурати туғилган.

Муаллиф, турли мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот идораларининг наркотиклар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича фаолиятида бугунги кунда кенг қўлланилаётган қуйидаги амалий чораларни батафсил таҳлил қилган:

1. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни халқаро назорат остида етказиб берилишини амалга оширишнинг ягона тартибини имкон қадар қисқа фурсатларда амалиётга татбиқ этиш, жиноий гуруҳларнинг ташкилотчилари, наркокуръерлар ва бошқа жиноий гуруҳ аъзолари ҳақидаги ахборотни расмийлаштириш, тўплаш ва тизимлаштириш бўйича ишларни биргаликда ва ўз вақтида олиб бориш, шунингдек наркотикларни сотишдан олинган пул маблағларининг ҳаракати ва уларни легаллаштириш каналларини аниқлаш имконини берилиши керак.

